

# **“Қаҳрамон” маҳалласи ички йўллари равон бўлмоқда**




Термиз туманида 29 та маҳалла фуқаролар йиғинидаги ички йўлларни таъмирлаш бўйича бир қатор дастурлар қабул қилинган бўлиб, барча маҳаллаларда ички йўлларни тошлаш, тошланган йўлларни асфальтлаш ишлари амалга оширилмоқда.

Жорий йилда “Қаҳрамон” маҳалласининг 6 та кўчадаги 1,38 км ички йўлларни таъмирлаш ва унга 499,2 млн. сўм маблағ ажратиш режалаштирилган. Дастурга мувофиқ маҳаллада ички йўлларни асфальтлаш ишлари олиб борилмоқда. Жумаладан, ҳозирги кунга қадар 390 метр йўлда асфальтлаш ишлари амалга оширилди. Маҳаллада ишлар давом эттирилмоқда.







**Термиз туман ҳокимлиги  
Ахборот хизмати**